

ТИКАНЛИ КОВУЛ (*CAPPARIS SPINOSA L.*) ЎСИМЛИНИНГ МОРФОЛОГИК-АНАТОМИК ТАҲЛИЛИ

Г.Қ.Рахимова, Х.Х.Холматов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: тиканли ковул (*Capparis spinosa L.*) Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, қадимдан шамоллаганда, фалаж, сарик, бод, талоқ касаллигини даволашда ишлатилиб келинган. Кам ўрганилганлиги туфайли ҳозирги вақтгача тиббиёт амалиётида ўз ўрнини топмаган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ушбу ўсимлик фармакогностик ва фармакологик комплекси ўрганилмоқда. Ишимизнинг мақсади ковул хом ашёсини диагностик белгиларини аниқлаш мақсадида морфологик-анатомик томонлари ўрганилди.

Усуллар: тадқиқот объекти сифатида ковул ўсимлигининг Тошкент шаҳри Сирғали туманидан тайёрланган барги ишлатилди. Макроскопик ва микроскопик анализ XI ДФ талабларига биноан олиб борилди. Жумладан микроскопик таҳлили янги тайёрланган махсулотнинг баргидан олиб ишқорни 5% эритмасида қайнатилди. Сўнгра сув билан ювилади, препарат хлоралгидрат эритмасида тайёрланиб микроскоп остида кўриб ўрганилди.

Натижалар: баргни микроскопик остида таҳлил қилинганда қуйидаги анатомик белгилари белгиланди. Баргнинг юқоридаги эпидермиси пасткисига қараганда йирикроқ ва кутикуласи қатламли. Хужайралар чўзиқ, уларни девори эгри-бугри, устицалар овал кўринишда. Барг кўндаланг кесимида бир қатор эпидермис хужайралар билан ўралган ва изолотериал типда тузилган. Баргнинг юқorigи эпидермиси тагидаги қозиксимон тўқимаси 2-3 қатор, пастки тоионида эса 1-2 қатор хужайралардан ташкил топган. Уларнинг орасида 2-3 қатор хужайрали булутсимон тўқима бўлади. Булутсимон тўқимани ўртасида тўп-тўп бўлиб, жойлашган кўп миқдорда ёғочланган, тешикли хужайралар бор. Ўтказувчи тўқима боғламлари коллотериал типда тузилган. Марказий ўтказувчи тўқималар боғламида сув найлари, яъни ксилема қисми яхши тараққий этган. Радиал нурлар 1-2 қаторли қалин деворли хужайралардан иборат. Марказий ўтказувчи тўқима боғламининг флоэмаси билан пастки эпидермиси ўртасида бир неча қаторли колленхима тўқимаси бўлади.

Хулосалар: ўтказилган тадқиқотлар натижасида ковул барги чинлигини аниқлашда зарур бўлган морфологик-анатомик

белгилари аниқланди. Олинган маълумотлар маҳсулот учун меъёрий
хужжат лойиҳасини тузишда фойдаланилди.